



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 28 июль, № 154 (8497)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ФАРҒОНА АҲЛИ ҲАР БИР ТАШАББУС БЎЙИЧА АНИҚ НАТИЖАЛАРНИ КУТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июль куни қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги йирик лойиҳалар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда маҳаллалар ҳаёти билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига келди.



Ҳар бир ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни ривожлантириб, одамларга иш ўрни ва даромад манбаи яратиш — давлатимиз сиёсатининг устувор мақсади. Олтириқ туманида деҳқончилик шундай таянч соҳа. Бу ернинг одамлари маҳсулот етиштириш ва уни экспорт қилишнинг ҳадисини олган.

Илгари бу туманда ҳам пахта ва галла кўп экилар эди. Давлатимиз раҳбарининг ғояси билан қишлоқ хўжалиги экинлари манфаатдорлик, бозор талаблари асосида ўзгартирилди. Бунда нафақат экишга эркинлик берилди, балки ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг мева-сабзавотчилик соҳасида қўшимча қиймат занжирини яратиш, узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш тўғрисидаги қарорлари бу соҳага янги имкониятлар очди. Хўжаликларга субсидиялар берилди, илгор технологиялар жалб этиш давлат томонидан рағбатлантирилди. Бу имкониятлар натижасида бугун узумчилик катта тармоққа айланди, бундай хўжаликлар кўпайиб бормоқда.

2020 йилда туманда “Хайрулло Баҳром Бойматов” фермер хўжалиги томонидан 75 гектарда узумчилик плантацияси ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу тоқзорни келиб кўрди.

Бу ерда “Хусайни”, “Келинбармок”, “Ризамат”, “Мерседес” каби узум навлари етиштирилмоқда. Улар келгуси йилдан тўлиқ ҳосилга киради ва жами 3 минг тонна узум етиштирилади.

Олдинлари бу майдонда пахта экилиб, ўртача 25 центнердан ҳосил олинган. Энди узумнинг нархи билан солиштирганда, бир гектардан даромад қарийб 10 баробар ошган.

Яна бир муҳим томони, фермер хўжалигида мавсумий юмушлар билан бирга 700 кишининг бандлиги таъминланган. Улар кунига 200 минг сўмгача иш ҳақи олади.

Президентимиз ёшларга ва ишсиз фуқароларга узум парваришини ўргатиб, улар билан кооперация асосида узум етиштириш, бунга чет эллардаги юртдошларимизни ҳам жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Богда, шунингдек, олма, гилос ва ўрик қўчатлари, қатор ораларига тарвуз, қовун, помидор, қалампир, булғор қалампери ва бошқа сабзавотлар экилган. Булар ҳам аҳоли даромади, юртимиз экспортини ошириш учун қўшимча манба бўлмоқда.

Бог ёнида 2 минг тонна сизимга эга бўлган совиткичи омбор қурилган. Бу ерда маҳсулотлар сақланиб, сараланиб, Туркия ва МДХ мамлакатларига экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда иқлими узумчиликка мос туманлар кўпчилиги таъкидлаб, уларда ҳам Олтириқ тажрибасини жорий қилиш, тоқзорларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берди.

Президентимиз Бағдод туманидаги Хитой маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуши билан яқиндан танишди.

Бу ерда 2 минг 800 нафарга

яқин аҳоли яшайди. Одамлар томорқадан унумли фойдаланади. Аёллар тикувчилик билан шуғулланади. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик рўзғорларга барака киритган.

Ўндан ортиқ савдо дўконлари, мебелсозлик корхонаси, сартарошхона, тикувчилик ва хунармандчилик устaxonаларида аҳоли иш билан банд. Шунингдек, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яхши шароит бор. Маҳаллада охириги икки йилда бирорта жинаёт содир этилмаган.

Давлатимиз раҳбари шу ерлик Абдуғаффор Ҳалилов хонадонидан бўлиб, маҳалла вакиллари билан суҳбатлашди.

— Бугун келиб, Фарғонадаги ривожланишни, маҳаллалардаги шароитни кўриб, хурсанд бўлдим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ислохотларни ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис қилиши учун ҳамма ишларни куйи тизимда ташкил этилган. Фарғона вилоятида 1062 та маҳалла бор. Улардаги муаммоларни, муҳтож оилаларнинг талаб-истакларини жойида ҳал этиб, одамларни рози қилиш зарур. Барча раҳбарлар дунёқарабини ўзгартириб, халқимизга муносиб бўлиб, меҳнат қилиши керак.

Самимий суҳбатда нуронийлар сўнги йилларда маҳалла қиёфаси яхшилангани, “Очиқ бюджет” ташаббуси орқали кўчалар обод бўлганини айтди. Хусусан, 5 километр ички йўлга асфальт ётқизилган. Электр тармоқлари ва трансформатор янгиланган.

Президент суҳбатда билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлаб,

маҳалла идорасини таъмирлаш, мактаб учун қўшимча бино қуриш бўйича кўрсатмалар берди. Ёшларни ўқитиш ва хунар ўргатиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш муҳимлиги ҳақида сўз юритилди.

“Кўкюн” эркин иқтисодий зонасида ўнлаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Яқинда бу ерда “BNBM Building Materials Central Asia” корхонаси очилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифи доирасида ушбу корхонани кўздан кечирди.

Корхонага 30 миллион доллар тўғридан-тўғри хориж инвестицияси йўналтирилиб, йилига 30 миллион квадрат метр гипсокартон ва 4 миллион квадрат метр декоратив гипсокартон ишлаб чиқариш қуввати яратилди. 200 та янги иш ўрни жорий этилди.

Шу ерда Фарғона вилоятидаги янги мажмуаларни ишга тушириш маросими бўлди. Булар — Бешариқ туманидаги “Фарғона Ясин қурилиш моллари”, Учкўприк туманидаги “Моллис” ва “Прокер”, Риштон туманидаги “Чинор плюс — 2020”, Тошлоқ туманидаги “Экспо коллор прин текс”, Фарғона туманидаги “Баходир Логон текстиль”, Ўзбекистон туманидаги “Цемент хомашё савдоси”, Қўштепа туманидаги “Глобал Текстайл Инфинити” корхоналари, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам ҳамда кардиология илмий-амалий марказлари филиалларидир.

Шундан сўнг, Президент раислигида инвестицияларни жалб этиш, саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоалоқа орқали уни Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, барча вилоят ва туманлар ҳокимлари ҳам қузатиб борди.

Сайловолди учрашувида аҳоли турмуш шароитларини янада яхшилаш, вилоят иқтисодиётига фаол инвестициялар жалб қилиб, аҳоли даромадларини ошириш бўйича катта марралар олингани қайд этилди.

— Олдимизда ҳали етти йил бор, бу ишларни эртага ёки кейинги йилдан бошлаймиз, деган вазир ёки ҳоким қаттиқ адашади. Чунки одамларимиз сайловолди дастурларида кўтарилган ҳар бир ташаббус бўйича аниқ натижаларни бугундан кутаяпти. Агар энг юқоридан тортиб, маҳаллагача иш услуби ўзгармаса, барча даражадаги раҳбарлар “ҳар бир янги кун — янги имконият” деб ишлашга ўрганмаса, вақтни бой бериб қўямиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш бўйича Фарғона вилоятидаги айрим туман ва шаҳарларнинг кўрсаткич-

лари қониқарсизлигини кўрсатиб ўтди.

Мисол учун, Фарғона шаҳрида ўтган йилнинг олти ойида, бор-йўғи, 25 миллион доллар инвестиция киритилган бўлса, жорий йилда ушбу рақам атиги 12 миллион долларни ташкил қилмоқда. Марғилон шаҳрида, Ўзбекистон, Бағдод, Тошлоқ туманларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилги кўрсаткичнинг ярмига ҳам етмайди.

Бир пайтлар саноат бўйича пешқадамлардан бири бўлган Фарғона ҳозир республикада 12-ўринга тушиб қолгани кўрсатиб ўтилди. Саноат салоҳияти етарлича ишга солинмаяпти. Мисол учун, биринчи ярим йилликда саноат ҳажми Тошлоқда 17, Қўқонда 3 фоизга, Олтиариқда 1,3 фоизга ва Қувада 1,2 фоизга камайган.

Аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича ҳам аҳвол яхши эмас. Жорий йилда вилоятда қурилиши режалаштирилган 212 та уй-жойдан бугунгича кунгача 42 таси фойдаланишга топширилган, холос.

Вилоятда хизматлар соҳаси ривожига ҳам қониқарли эмас.

Умуман, вилоятда 2022 йилнинг олти ойида фаолиятини тўхтатган корхоналар сони 2,5 мингтани ташкил қилган бўлса, бугунгича кунда ушбу кўрсаткич 14,5 мингга етган.

Иил бошида республика бўйича 60 та туман тўртинчи ва бешинчи тоифаларга киритилиб, уларни иқтисодий ривожлантириш бўйича алоҳида дастур бошланди. Фарғонада ушбу тоифаларга кирган Фуқрат, Ёзёвон ва Сўхдаги тадбиркорлар ўтган олти ойда 30 миллиард сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Лекин мазкур туманларда натижа кўринмаяпти. Аҳвол яхшилангани ўрнига, улардаги тадбиркорлар тушуни ўтган йилдаги нисбатан каммайиб кетган.

Саноат зоналарида катта майдонлар бўш турганлиги, вилоятдаги 19 та туман ва шаҳар ҳокимлари уларни тадбиркорларга тақдир қилиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланмаётгани танқид қилинди.

— Шунча бўш жойлар туриб, ҳокимлар саноат зоналари учун қишлоқ ерлари тоифасини ўзгартириш бўйича мурожаат қилишдан чарчамаяпти. Энг ачинарлиси, вилоятда ишлаб чиқариш бўлган давлат объектларини хусусийлаштириб, улар ўрнида яқна тартибдаги уй-жойлар қуриб юбориш ҳолатлари бор, — деди давлатимиз раҳбари.

Бош прокуратура, Кадастр агентлигида бундай ҳолатларни текшириб, қонун устуворлигини таъминлаш топширилди. Бундан буён саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар тоифасини

ўзгартириш бўйича қарорлар фақат Хукумат комиссияси розилиги билан амалга оширилиши белгиланди.

Деҳқонларга экин ерларини ижарага бериш ишлари ҳам номига ташкил қилингани, яшаш жойидан ёки сувдан узоқ ерлар ажратилаётгани кўрсатиб ўтилди. Ўтказилган сўровлар натижасига кўра, 32 фоиз ер эгаларига туман ҳокимлиги томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаган. Инфляцияни жилволаш, бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар ҳам қониқарсиз экани қайд этилди.

Фаолиятидаги жиддий камчиликлари, ишларни лозим даражада ташкил этмагани учун вилоят, шаҳар ва туманлар даражасидаги бир қатор раҳбарлар лавозимидан озод қилинди.

Вилоятнинг ишга солинмаган имкониятларини аниқлаш ва уларни рўёбга чиқариш бўйича ҳар бир туман ва шаҳарга республикадан масъуллар бириктирилган. Улар томонидан 2 миллиард долларлик қўшимча захиралар аниқланган ва тадбиркорлар билан учрашиб, лойиҳалар шакллантирилган.

— Агар ҳокимлар вақт ажратиб, тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг дардига қулоқ солса, ташаббусларини тингласа, вилоятдаги туманларнинг барчаси йил якунига қадар бемалол камиди 100 миллион доллардан инвестиция жалб қилиши мумкин, — деди давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбари Қува ва Бешариқ туманлари мисолида ушбу имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Президент Фарғонада бошланган ушбу тажрибани барча ҳудудларда йўлга қўйиш учун йил якунига қадар сафарбарлик эълон қилди. Ҳар бир туман учун йил якунига қадар камиди 100 миллион доллардан инвестиция жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Минимал истеъмол харажатлари миқдори 500 минг сўмдан 570 минг сўмга оширилгани сабабли Фарғонада яна 9 минг оила камбағал тоифасига қўшилди. Шу боис мутасаддиларга ушбу оилаларнинг ҳар бирига ҳоким ердан-чиларини бириктириб, ўларнинг даромадини ошириш чораларини кўриш топширилди.

Фарғонада аҳолига деҳқончилик учун аукционга чиқарилиб, талабгор аниқланмаган 1 минг 157 гектар экин ерларини аҳоли учун қулай ҳудудларга алмаштириш, бу ерларда камиди 15 минг иш ўрни яратишга кўрсатма берилди.

Йиғилиш якунида ҳудуд ва соҳалар раҳбарлари ҳисобот берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Икром АВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Сарҳисоб

СЕНАТОРЛАР ФАОЛИЯТИДА АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТДИ

Ўтган йилларда бўлгани каби жорий йилнинг биринчи ярмида ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўплаб муҳим воқеалар рўй берди, барча соҳадаги ислохотлар изчиллик билан давом эттирилди. Ана шу жараёнларда Олий Мажлис Сенати ҳам фаол қатнашди.

Хусусан, бу даврда парламент юқори палатаси фаолияти қонунларда белгиланган ваколатларни амалга ошириш баробарида, давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар, шу жумладан, конституциявий ислохот-

лар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жойларда аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларга ечим топиш каби йўналишларга қаратилди. ➡



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

ОРОЛЬЎЙИДА ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ НАФАСИ

Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган экологик ҳалоқат содир бўлганидан бери узоқ вақт давомида Қорақалпоғистонда иқтисодий, ижтимоий ва бошқа кўплаб соҳаларда талай муаммолар йиғилиб қолган. Бугун уларнинг кўпчилиги ҳал бўлди, давлатимиз раҳбарининг катта эътибори туфайли Шимолий ҳудудда ҳаёт ўзгармоқда, иқтисодиёт жадал ривожланмоқда.

Бу — минтақа пойтахти Нукус, туман марказлари, шаҳарлар ва энг олисдаги қишлоқ ва маҳаллаларга, овулларга ҳам тааллуқли. Оролбўйини биргалликда ривожлантириш учун Ўзбекистон вилоятларининг ҳокимлари жалб этилганига, ҳар бир туман бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганига анча бўлди. Қорақалпоғистонликлар яхши билишади, “Биргаллик — биз кучмиз” ибораси қуруқ шior эмас, балки ҳаётда ўз тасдиғини топган тамойил. Унинг асосида ечилмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. ➡

СЕНАТОРЛАР ФАОЛИЯТИДА АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТДИ



Айни чоғда бўлиб ўтган 6 та ялпи мажлисда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларига доир 50 дан зиёд масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, 41 та қонун муҳокама қилиниб, сенаторлар томонидан маълумланди. Вазирилик, идоралар фаолияти юзасидан 4 та эшитув ўтказилди. Улар фаолиятининг турли йўналишларига оид жами 40 га яқин муаммоли масала, камчиликлар қайд этилиб, 60 дан зиёд аниқ топшириқ, тавсия ва кўрсатмалар белгиланди.

Бу даврда халқаро алоқалар йўналишида парламент дипломатиясига катта эътибор қаратилди. Яъни хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан амалий мулоқот изчил давом эттирилди. Сенат раҳбарияти ва аъзоларининг хорижий давлатларга 40 дан ортиқ ташрифлари амалга оширилди. Шу билан бирга, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро молия тузилмалари вакиллари билан 97 та учрашув, жумладан, видео ва телефон орқали мулоқотлар ўтказилди.

Маданий мерос агентлигига музейлар фаолиятини яхшилаш масалалари юзасидан парламент сўрови юборилди. Унда музейлар фаолияти, хусусан, ушбу муассасалар ашё ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир 12 та йўналишдаги аниқ масалалар кўриб чиқилди.

Сенат қўмиталари томонидан 34 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Хусусан, қонунларнинг ҳудудлар ва тегишли соҳалардаги ижроси ҳамда аҳолини қийнаётган долзарб масалалар юзасидан 30 та ўрганиш олиб борилди.

Кенгашилари фаолиятига кўмаклашиш ва улар билан ҳамкорликни кучайтириш ишлари ҳам изчил давом эттирилди. Биринчи навбатда, маҳаллий Кенгашилар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Масалан, Адлия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган "Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида"ги ҳамда "Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида"ги қонун лойиҳалари бўйича таклифлар шакллантирилди.

Сенат Кенгаши қарори билан маҳаллий Кенгашиларнинг намунавий регламентига депутатларни дахлсизликдан маҳрум этишнинг аниқ механизмларини белгилловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Сенат Раисининг ҳудудларга ташрифи давомида аҳоли ва тадбиркорлар томонидан кўтарилган 100 дан зиёд масалаларни ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Маҳаллий Кенгашилар фаолиятини рақамлаштириш мақсадида "E-kengash.gov.uz" электрон платформаси синов тарихисидан ишга туширилди.

Жойларда ўтказилган сайёр қабуллар давомида аҳоли томонидан кўтарилган масалаларнинг айримлари Сенат ялпи мажлислари муҳокама-сига олиб чиқилиб, мутасадди вазирилик, идоралар эътиборига ҳавола этилди ва назоратга олинди.

Сенатнинг янги кўринишидаги расмий веб-сайти (https://senat.uz/) ишлаб чиқилиб, тест режимида ишга туширилди. Унда халқ билан мулоқот, фуқароларнинг сенаторларга тўғридан-тўғри электрон мурожаат йўллаш имконияти каби бир қатор интерфаол хизматлар мавжуд.

Асосийси, сенаторлар фаолияти давомида халқ билан мулоқот устуворлик касб этди. Ҳалқ депутатлари маҳаллий

Утган даврда Сенатга жами 6 720 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 3,2 минг таси тегишлилиги бўйича ваколатли органларга юборилди, 2,1 мингта мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди, 389 та мурожаат сенаторларнинг бевосита сайёр ҳаракатлари билан ижобий ҳал этилди. Сенат Раисининг ижтимоий тармоқлардаги савияли орқали қилган 367 та мурожаатнинг 60 таси ижобий ҳал қилиниб, 270 таси бўйича ҳар томонлама асос-

ланган ҳуқуқий тушунтириш берилди. Қолган 37 таси кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, ҳисобот даврида 2,2 мингга яқин фуқаролар бевосита Сенатнинг ўзидан қабул қилиниб, улар томонидан кўтарилган муаммоларни мутасаддилар иштирокида ҳал этиш чоралари кўрилди. Сенаторларнинг ҳар ойда ҳудудларга хизмат сафари доирасида фуқароларни қабул қилиш, шу жумладан, Сенатга йўлланган мурожаатлар муаллифлари билан учрашиб, кўтарилган масалаларни жойида ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур амалиёт доирасида 2,7 мингдан зиёд мурожаатлар алоҳида назоратга олиниб, ҳал қилиш чоралари кўрилди.



ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шу мавзуда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда депутатлар, Қонунчилик палатасининг Кўрфаз араб давлатлари парламентлари билан тузилган ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, Ташқи ишлар вазирлиги ва Парламент тадқиқотлари институти ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати

Тадбирда шу йил 19 июль кунини Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг биринчи саммити якуналари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақалари халқлари ўртасидаги муносабатлар, хусусан, конструктив сийсий мулоқотни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни мустахкамлаш каби масалалар иштирокчилар диққат-марказида бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Кўрфаз араб давлатлари билан ҳамкорлиги, хусусан, парламентлараро алоқаларнинг истиқболли йўналишлари кенг муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда ташқи ишлар вазири ўринбосари Б. Алюевнинг ахбороти тингланди. Унга кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг биринчи саммити доирасида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан бешта йўналишда илгари сурилган ташаббуслар, жумладан, кенг қамровли ҳамкорликни турли форматларда ривожлантириш, кўп томонлама дўстлик, минтақалараро боғлиқлик ва ҳамкорлик битимини ишлаб чиқиш, юқори технологиялар ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик платформалари ва илми механизmlарини яратиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда Олий Мажлиснинг Кўрфаз араб давлатлари парламентлари билан ўзаро алоқаларини янги даражага олиб чиқиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Дини, урф-одат ва анъаналари яқин бўлган минтақалар ва халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустахкамлашда парламентлараро ҳамкорликнинг ўрни беқиёс экани таъкидланди.

Шу муносабат билан, ҳозирда Олий Мажлисда фаолият юритаётган Кўрфаз араб давлатлари парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлар ишини янада жонлантиришга келишиб олинди.

Айниқса, олий даражадаги ташрифлар, саммит ва учрашувлар давомида турли соҳаларда эришилган келишув ва битимларнинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти борасида ўзаро тажриба алмашиш, халқаро уюшмалар доирасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш каби йўналишлар парламентлараро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари экани алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда бугунги кунда турли хавф-хатарларга қарамай, ушбу минтақалар тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт макони бўлиб келаётгани

«Халқ сўзи».

ЭЗГУЛИК

Бугун Андижон шаҳрида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни жараёнда Бўстон маҳалласига тоза ичимлик суви тармоғи тортилиб, аҳолининг кўп йиллик муаммоси бартараф этилди.



Маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланмоқда

— Кўчаларимизга сув тармоғи тортилганига 45 — 50 йил бўлган эди, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Абдуғаффор

жаат қилмаган идораси қолмади, ҳисоб. Сабаби ушбу кўчалар кейинги 25 йил мобайнида таъмирланмаган. 6,4 километр масофага асфальт ётқизиш орқали худуддаги энг оғир муаммо ҳам барҳам топади-ган бўлди.



Андижон шаҳрида аҳоли турмуш шaroитини, худуд инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 26 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, бунинг ҳисобига 12,2 километр ички йўлни асфальтлаш, 37,5 километр масофага сув тармоғи тортиш, 71 километрлик электр тармоғини янгилаш ҳамда 19 та янги трансформатор ўрнатиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ортиқов. — Бу давр мобайнида қувурлар эскириб, яроқсиз ҳолатга келиб қолди. Айниқса, қуз-қиш мавсумида носозликлар юзга қалқиб, таъминот сифатига путур етарди. Сада маҳалласи аҳолисини ички йўллардаги тартибсизлик безовта қилиб келарди. Ёгин-сочин кунларда лойгарчиликдан азират чеккан аҳолининг муро-

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Чемпион ўқиган мактабга спорт майдончаси қуриб берилди

Шашка устаси Рустам Мирзаакбаров бу йил Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактабини тамомлади.

бол ва стритбол ўйинлари учун барча шароит яратилди.

У Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида ўтказилган "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг республика босқичида шашка спорт тури бўйича биринчи ўринни эгаллаган эди. Бу муваффақият учун чемпион тахлил олган мактабга 300 миллион 162 минг сўм қийматдаги спорт майдончаси қуриб бериш имтиёзи туффа қилинган.

Таъкидлаш жоизки, "Беш ташаббус олимпиадаси" ғолиблиги иқтидорли ўқувчи ҳаётида ёрқин из қолдириб. Боиси эришган муваффақияти учун унга махсус сертификат ва пул мукофоти ҳам тақдим этилди. Бундан ташқари, шашка бўйича мамлакат терма жамоаси аъзоллигига қабул қилиниб, халқаро беллашувларда катнашиш имкониятини кўлга киритди.

— Куни кеча битказилган замонавий спорт майдончаси битирувчимиздан эсдалик бўлиб қолди, — дейди Р. Мирзаакбаровнинг устози Дилбархон Ҳайитбоева. — Бу ерда футбол, волейбол, баскет-

Қудратилло НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

ҲАВОЛАКИ НОРМАЛАР ЧИҚАРИЛИБ, ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИШЛАЙДИГАН МОДДАЛАР КИРИТИЛДИ

Ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини қаболатлаш, ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибни жорий этиш, ерга оид мулкий ҳақда ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Фикр

Натижада қишлоқ ҳўжалиги ерлари билан боғлиқ муносабатларнинг барқарорлиги таъминланиб, уларнинг давлат томонидан мониторингини олиб бориш, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштирилди.

«Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда ўзгариш ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи, яъни сервитут иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сервитут шартлари, унга ҳақ тўлаш, сервитут белгиланган ер участкасида муҳандислик-коммуникация тармоқлари объектларини сақлаш, оммавий сервитут белгилаш каби бир қатор нормалар такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, ерлардан оқилона, мақсадли фойдаланишнинг таъминлаш борасида давлатнинг раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Соҳадаги ислохотларнинг манتيқий давоми сифатида яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палата-

ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш, яъни қайта ижарага бериш, ер участкалари қўчмас мулк объектлари билан бирга электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштиришга оид нормаларга ҳам ўзгартiriшлар киритилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, қонун лойиҳасидаги нормалар депутатлардан келиб тушган фикрлар ва таклифлар асосида маромига етказилди. Хусусан, ундаги ҳаволаки нормалар чиқарилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар киритилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқлари ишончли ҳўйма этилишига хизмат қилди.

Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси.

«ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ» — ХАЛҚЧИЛ ЛОЙИҲАГА АЙЛАНДИ

«Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг жорий йилдаги иккинчи мавсумига 17 июлдан бошлаб старт берилди. Унга кўра, биринчи босқич — фуқаролар томонидан лойиҳаларни шакллантириш жараёни шу йилнинг 17 июлидан 6 августга қадар давом этса, иккинчи босқич — лойиҳаларни махсус комиссия томонидан саралаб олиш 6 — 26 август кунлари, якуний босқич — лойиҳаларга овоз бериш жараёни эса 15 сентябрга қадар бўлиб ўтади.

Шаффофлик

Бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ҳамда сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Очиқ бюджет» ёки «Ташаббусли бюджет» лойиҳалари бугун таъриф-қилинмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ишлаб чиқилган ушбу лойиҳалар ҳақида эшитилган юрtdошимиз бўлмаса керак.

Сўнгги йилларда айрим маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан бюджет ҳисобидан қилинаётган бўлар-бўлмас харажатлар ҳамда бу борадаги қарорларга ижтимоий тармоқлар орқали кескин норозиликлар билдирилаётган эди. Бюджет маблағлари энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эмас, балки айрим мансабдорларнинг ўзлари танлаган лойиҳаларга йўналтириш ҳолатлари кўпайган ва бу аҳолининг ҳақли эътирозларини келтириб чиқараётганди. Таъкидлаш лозим,

«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси бундай ҳолатларнинг пайини қирқди.

Тўғри, кейинги вақтларда аҳолининг, жамоатчилик вакилларининг ушбу лойиҳага бўлган турли қарашдаги фикрлари кўпайди. Кимдир «Ташаббусли бюджет»ни қўллаб-қувватлаб, у йиллар давомида ҳал қилинмаган муаммоларни бартараф этишда, одамларнинг бюджет маблағини, яъни давлат ғазна-сидан сақланаётган халқ пулини назорат қилишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидла-са, бошбалар лойиҳанинг қоник-тирмайдиган жиҳатлари борли-гини қайд этмоқда.

Хусусан, овоз йиғишга маж-бурилаш, жараёнда ўз маҳалла-сига умуман алоқаси бўлмаган фуқароларнинг овоз бериш ҳолатлари ва бундан нисбатан аҳолиси оз бўлган худудларнинг танловда ғолиб бўлиш имкония-ти кескин пасайгани, тарғибот-даги камчиликлар ёки давлат ўзининг мажбуриятларини аҳолига ташлаб қўяётгани, лойи-ҳалар ижроси назоратга олин-маётгани каби эътирозлар шу-лар жумласидандир.

Тегшли вазирликлар, мута-хассислар томонидан бундай фикрларга муносабат ҳам оли-рилди, камчиликлар тан оли-ниб, бугунги кунда улар устида ишланаётгани маълум қилинди.

Давлат раҳбари ҳам лойиҳага муносабат билдирар экан, «Ташаббусли бюджет» аҳолининг талаб ва таклифлари асосида ижтимоий инфратузилмадаги камчиликларни манзилли ҳал этишда, энг асосийси, келгуси йилдаги Давлат бюджетини шакллантиришда муҳим аҳамия-ятга эгаллигини таъкидлаб, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувват-лаган эди.

30 фоиз ҳам «Ташаббусли бюд-жет» учун йўналтирилган.

Маълумотларга қараганда, шундай ишлар доирасида сўнгги уч йилда 9 минг 500 та маҳал-лага 57 триллион сўм ажратил-ган. Бу маблағлар ҳисобига 3 минг 500 та маҳаллада ички йўллар, яна шунчасида богча, мактаб ва шифохона таъмирлан-ган. 1 минг 19 та маҳаллада ичимлик ва оқова суви таъми-ноти яхшиланиб, 452 таси замо-навий қиёфага келтирилган.

Бу борада аҳолининг фаолли-ги ҳам ошган. Масалан, 2021 йил-да овоз бериш жараёнида 1 мил-лион 200 минг фуқаро иштирок этган бўлса, бу йил биринчи мавсумнинг ўзида уларнинг сони 16 миллиондан ортиган. Шунинг-дек, илк мартаба «Ташаббусли бюджет» жараёнида республика-нинг барча маҳаллалари ўз лой-иҳаси билан иштирок этди. Шундан келиб чиқиб, ушбу лой-иҳаларга қўшимча 1 триллион 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Исон қадри тамойили асоси-да бу йил маҳаллаларга ажра-тилаётган маблағлар кўлами 25 триллион сўмга етказилди. Хусусан, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида 8 триллион сўм кўзда тутилган.

Рақамлардан ҳам кўриниб ту-рибдики, «Ташаббусли бюджет» аҳолининг турмуш фаровонли-гини янада ошириш, ижтимоий му-аммоларини ҳал этиш, одамлар-га муносиб турмуш шaroитини яратишда, бюджет маблағлари-ни тақсимлашда фуқаролар иш-тирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биргина ўтган йили ушбу мақ-садлар учун йўналтирилаётган маблағлар миқдори 4 баробар-га ошган. Яъни туман, шаҳарлар-да тасдиқланган бюджетлардан 5 фоизининг ўзи 1,5 триллион сўмдан ортиқроқни ташкил этган. Қўшимча манбаларнинг

Қолаверса, ушбу лойиҳа ри-вожланган давлатлар тажриба-сидан ҳам муваффақиятли ўтган. Демак, аҳолидан давлат томони-дан берилаётган бундай имко-ниятлардан тўғри, самарали фойдаланиб, лойиҳада фаол кат-нашиш талаб этилади ҳолос. Зеро, янги Ўзбекистондаги бар-ча ислохот инсон қадрини улуг-лашга, халқимизга муносиб турмуш шaroитларини яратишга қаратилган.

Жамшид ҚОСИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Таҳлил

Аввал мактабгача таълим ташкилотлари нега "болалар боғчаси" дея аталгани билан қизиқсак, аксарият манбаларда ижтимоий банд ота-оналарнинг фарзандлари учун ташкил этилган ҳамда соат 8.00 дан 17.00 гача фаолият кўрсатувчи муассаса, деган изоҳга дуч келдик.

Хўш, айти жараяндаги бугунги ҳолат қандай? Келинг, мавзунин Навоий вилояти мисолида таҳлил қилиб кўрамиз.

Навоий вилояти:

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДАН ОТА-ОНАЛАР МАМНУНМИ?

Ислохотлар самараси

Ҳақиқатан ҳам, яқин-яқинларгача ушбу муассасаларга қўйилган талаб айнан шундан иборат бўлиб, боланинг ҳисмонан ва руҳан уйғунлиқда улғайиши, дунёни англаш, билиш ва бошқа бир қатор қизиқишлари боғчаларда номигагина қаноатлантирилари эди.

Бошқачароқ тушунтирсак, халқ мақолида айтилганидек, алдагани бола яхши эди. Яъни бола эҳтиёждан кўра жамиятнинг ишчи кучига бўлган манфаати устувор тутилганди. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида ушбу муассасаларга болаларни қамраб олиш ҳусусида ҳеч ким бош қотирмас, бюджет идораларига келадиган ҳар қандай қисқартириш эса "боғча"ларни четлаб ўтмасди.

— Ҳатто яқин-яқинларда ҳам боғчамиз ёпилиб, ишсиз қолмайки, деган фикрда болалар бадал пулининг ярмини ўз маошимиздан тўлаб, аранг ушлаб турардик, — дейди соҳа фахрийси Жумагул Бобоқуллова. — Сабаби, қишлоғимиздаги уч боғчадан (биттаси жамоа ҳўжалигиники) иккитаси ота-оналарнинг бадал пулини тўлашга қурби етмаслигидан ёпилиб кетган эди.

Соҳа жонқурларининг сай-ҳаракатига қарамай 2017 йил бошига келиб, Навоий вилоятида 132 та мактабгача таълим муассасасигина ўз фаолиятини сақлаб қолган эди. Уларнинг ҳам қарийб саксон фоизи вилоят маркази, Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарлари, Навоий кон-металлургия комбинати тасаруфида фаолият кўрсатганлиги сабаб ёпилиб кетмаган.

